# АСОСИЙ ТУРДАГИ ИЖТИМОИЙ ТОВАРЛАР НАРХЛАРИ БЎЙИЧА ҲАФТАЛИК ДАЙЖЕСТ


Марказий банк таҳлилий дайжести | 2026 йил 3 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ


## ЖАҲОН НАРХЛАРИ

### СЎНГГИ ҲАФТАГА НИСБАТАН ЎЗГАРИШИ


*26 октябрь – 30 октябрь*




### ЙИЛ БОШИГА НИСБАТАН ЎЗГАРИШИ




### 2026 ЙИЛ ЯКУНИГА ПРОГНОЗ (ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШИ)




Манба: *Tradingeconomics.com* веб-сайти |*мол гўшти тирик вазнда

## САВДО ҲАМКОР ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭКСПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ

| Давлат | Чеклов тури | Муддат |
|---|---|---|
| Қозоғистон | Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти | 2026 йил 21 ноябргача |
| Қирғизистон | Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти | Муддатсиз |
| Россия | Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти | 2027 йил 31 январгача |
| Қозоғистон | Майда шохли қорамол экспорти | 2026 йил 30 ноябргача |
| Қирғизистон | Йирик/майда шохли чорва экспорти | 2027 йил 9 мартгача |
| Россия | Кунгабоқар ёғи - сузувчи бож тизими | 2028 йил 1 августгача |

## ҲАФТАЛИК НАРХ

▲ НАРХ ОШДИ | ▼ НАРХ ПАСАЙДИ

### Биржа савдо якунлари бўйича

| Нархлар ўзгариши | Ҳафталик | Йил бошидан | Йиллик | Ҳафталик | Йил бошидан | Йиллик |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Полиэтилен | +2,9% | +15,5% | +12,0% | Пахта чигити шулхаси | -19,6% | +1,5% | -14,2% |
| Цемент | +2,2% | -1,6% | -7,4% | Техник чигит | -17,0% | -15,9% | -20,8% |
| Ун 1-нав | +1,4% | +5,2% | +9,5% | Шрот | -16,4% | -10,2% | +12,3% |
| Техник олтингугурт | +1,3% | +41,6% | +196,4% | Этиль спирти | -3,2% | +1,5% | +50,9% |
| Арматура | +0,5% | +1,3% | +1,3% | Дизель ёнилғиси | -2,5% | +36,1% | +32,4% |

### Марказий банкнинг ҳудудлардаги нарх кузатуви

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бодринг | +40,3% | -52,0% | -13,7% | Сабзи | -7,3% | +39,6% | +16,8% |
| Помидор | +13,9% | -39,4% | -15,2% | Лимон | -4,5% | -29,7% | -12,4% |
| Пиёз | +11,4% | +30,3% | +29,1% | Балиқ | -1,8% | -3,5% | -7,4% |
| Картошка | +3,4% | -6,8% | +8,0% | Товуқ гўшти | -1,5% | -7,6% | +3,9% |
| Олма | +3,0% | -15,2% | +6,9% | Шакар | -0,9% | +0,1% | -5,2% |

### Марказий банкнинг улгуржи нархлар — "Food City" бозори кузатуви

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бодринг | +56,3% | -78,3% | +8,7% | Сабзи | -23,5% | 0% | +16,1% |
| Пиёз | +28,3% | +94,3% | +126,7% | Тухум | -9,7% | +7,7% | +3,7% |
| Олма | +22,5% | -10,9% | +14,0% | Гуруч | -7,7% | +18,8% | +9,6% |
| Помидор | +18,7% | -27,8% | +14,0% | Карам | -3,8% | -36,3% | +45,7% |
| Банан | +12,1% | -22,9% | 0% | Товуқ гўшти | 0% | -6,0% | +5,4% |

### Улгуржи нархлар ўзгариши таҳлили

- Сабзи — кузги ҳосилнинг кириб келиши ҳисобига таклиф ҳажмининг ортиши
- Тухум — таклиф ҳажмининг барқарорлиги ва талабнинг мўтадиллашуви

- Бодринг, помидор — ҳаво совиши натижасида очиқ дала ҳосили тугаб, бозорга иссиқхонада етиштирилган маҳсулотларнинг сотувга чиқиши
- Пиёз — маҳсулот экспортининг фаоллашгани ҳамда қишки мавсум учун захирага харидлар ортиб, ички талабнинг кучайгани

## ҲАФТАЛИК ЯНГИЛИКЛАР

*31 октябрь* — ҲАМКОРЛАР

**Россия дизель экспортига тақиқни январгача узайтирди**

Ишлаб чиқарувчилар учун **дизель ёнилғиси** экспортига тақиқ **2027 йил 31 январгача узайтирилди**.

*28 октябрь* — ҲАМКОРЛАР

**Қозоғистон суюлтирилган газ экспортига тақиқни узайтирмоқчи**

Амалдаги тақиқ 14 ноябрдан яна **олти ойга узайтирилиши** кутилмоқда. Чеклов суюлтирилган газни автомобиль ва темирйўл орқали олиб чиқишга тааллуқли.

*2 ноябрь* — ҲАМКОРЛАР

**Қозоғистонда ун экспорт нархи бир ҳафтада $5 га ошди**

Логистика қимматлашгани ва юклаш чекланганлиги сабаб биринчи навли **ун** нархи тоннаси учун 5 долларга **қимматлашиб**, **300-305 долларга** етди. Темирйўлдаги чекловлар **дон экспорти суръатини** ҳам пасайтирди.

*27 октябрь* — ҲАМКОРЛАР

**Россияда кунгабоқар ҳосили ўсиши бўйича кутилмалар пасайди**

**Зараркунанда** тарқалиши сабабли ҳосил ўсиши прогнози **20% дан 6–11% гача** туширилди. Ялпи ҳосил прогнози ҳам **20 млн тоннадан 19 млн тоннага** қисқарди.

## УМУМЛАШТИРИЛГАН ХУЛОСА

### ТАШҚИ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ

- Сўнгги ҳафтада жаҳон бозорида шакар, буғдой, кунгабоқар ёғи, бензин, мол гўшти ва нефть нархларида пасайиш кузатилди.

### ИЧКИ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ

- Биржада полиэтилен, цемент, ун, техник олтингугурт ва арматура нархлари ошган бўлса, пахта чигити шулхаси, техник чигит, шрот, этиль спирти ва дизель ёнилғиси нархлари пасайди.
- **Ҳудудларда** бодринг, помидор, пиёз, картошка ва олма нархларида ўсиш, сабзи, лимон, балиқ, товуқ гўшти ва шакар нархларида эса пасайиш кузатилди.
- Жорий ҳафтада **улгуржи бозорда** бодринг, пиёз, олма, помидор ва банан нархлари ошди. Сабзи, тухум, гуруч ва карам нархларида пасайиш кузатилди. Товуқ гўшти нархи ўзгармади.

### ⚠ ХАТАРЛАР ВА КУТИЛМАЛАР

- Қозоғистонда **суюлтирилган газ экспортига тақиқнинг** узайтирилиши минтақада суюлтирилган газ таклифини чеклаб, импорт **суюлтирилган газ** нархларида **оширувчи босимни сақлаб қолиши мумкин**.
- Қозоғистонда **логистика қимматлашиши ва юклаш чекланиши** ун етказиб беришни секинлаштириб, импорт **ун** нархларига **оширувчи босим юзага келтириши мумкин**.
- Россияда **кунгабоқар ҳосили бўйича кутилмаларнинг** пасайиши кунгабоқар ёғи таклифи ўсишини чеклаб, импорт **кунгабоқар ёғи** нархларига **оширувчи таъсир кўрсатиши мумкин**.